




(Хужжатли кисса)

Ватан факат макон тушунчаси эмас, у энг аввало маърифий мазмунга эга, миллат хотирасининг узвийлигини билдирадиган маънавий кадриятдир. Ватанни ўзи яшаб тургани, маълум макон ва замон деб билувчи одамлар аслида ўзларини Ватандан айри тушунадилар. Ватан инсон ботинида — унинг вужудида бўлгандагина кучли ва эхтиросли кувватга айланади. Ватан — ўтмишимиз, бугунимиз ва келажакимиздир. Ватан гоёси деган тушунчани изохлаш керак бўлса, мен бу аждодлар ёдини авайлаб саклаш, улардан мерос колган маданиятни, илм-фанни ўрганиш, тараккий эттириш деб уктирар эдим. Аждодлар хотирасини асраш эса факат маърифатли киши кўлидан келади. Шу сабабдан хам буюк олмон файласуфи Хегель: «Маърифатли халкларнинг хакикий

жасорати Ватан йўлида курбон бўлишга тайёр эканликларида акс этади», деб айтгани бежиз эмас.

Ватанимиз бўлмиш Туркистон тарихи ҳеч қачон тинмаган жанглар тарихи, юртимиз ҳудудларини бузиб киргабоскинчи душманларга қарши кураш тарихи, бу аёвсиз курашлар мобайнида элимиз озодлиги ва равнақи учун жонини аямаган халқ ўғлонлари ва кизлари жасорати тарихидан иборатдир. Ватан душманлари билан бўлган юзма-юз жангларда фидойилик кўрсатган Тўмарис, Широқ, Ботир тангрикут, Спитамен, Жалолиддин Хоразмшоҳ, Темурмалик, Махмуд Таробий, Бобон, Пўлатхон, Солтон Соддқ, Номоз каби халқ қаҳрамонлари номи халқ хотирасига абадий муҳрланди.

Яқин бир асрлик кечмишимиз ҳам фожиаларга тўла кечди. Бир пайтлар буюқ Темур бобомиз томонидан ягона давлатга бирлаштирилган Туркистон ноқобил ҳукмдорларнинг тожу тахт талашишлари туфайли бўлиниб — парчаланиб кетди. Оқдбатда юртимиз сарҳадларига боскинчи Россия қўшинларининг қадами етганда ҳам шаклан, ҳам маънавий жихатдан бўлинган Туркистон бу истилога қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилди. У ўз қалбини боболар ёдидан узгани учун эмас, балки миллий ҳамжихатликни унутгани учун ҳам енгилди. Ярим асрдан зиёда қўзилган асоратдан сўнг Россияда бошланган инқилоблар туфайли Туркистон аҳолиси озодликка чиқаман деб ўйлаган эди. Бироқ, бу орзуси ҳам чиппаққа чиқди. У иккинчи маротаба босиб олинди — бу гал ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олган большевиклар томонидан забт этилди. Халқлар ўртасида тенглик гоёсини шиор қилиб қўтарган алдамчи Ленин бошлиқ фиркага аслида факат ҳокимият, ҳокимият бўлгандаям, бутун Рус империяси устидан ҳокимият керак эди. Бу мақсад йўлида улар ҳеч қандай қабилликдан қайтмадилар. Инқилоб, аслида бир ҳовуч одамнинг ҳокимиятга чиқиб олиши учун зарур бўлгани қадар тезда ошқор бўлди. Советшупос олим А. Паркнинг ёзишича, 1917 йил воқеа-лари Туркистон ўлкаси халқлари учун икки тур инқилобни: овруполик; ишчи ва солдатларнинг иролетар инқилоби ва маҳаллий аҳоли ўрта табақасининг миллий-буржуа инқилоб-бини вужудга келтирган эди. Биринчи инқилоб, колониал характерга эга бўлиб, Туркистонда руслар мавқеини сақлаш-га хизмат қилса, иккинчи инқилоб эса Туркистон ўлкасини руслар асоратидан олиб чиқиш, мдлий истиклол гоёларини олға сурган эди.

Асосан овруполиклардан иборат большевиклар фиркаси Туркистонни қўлдан чиқаришни истамасдилар, улар бу ҳудуд «коммунистик империя» учун обу ҳаводек зарур эканлиги-ни билишарди. Улар худди чор амалдорлари каби Туркистон ўлкасида мавжуд бойликларнинг нақадар қўплигидан яхши хабардор эдилар. Аммо Туркистон ўлкасида яшовчи халқлар уларнинг бу ниятларига қарши эдилар, улар озод ва мустақил яшашни истардилар. Аслида Чор Россиясининг бу чет ҳудудида тарих дарсликларида ёзилганидек, большевик инқилоби галаба қилган эдими, маҳаллий аҳоли боль-шевикларга эргашганмиди? Йўқ, албатта! Туркистон халқла-ри миллий зиёлилари инқилоб арафасидаёқ минг бир машаққат билан ўз ватанларини асорат ва қолоқликдан ҳалос эт-моқ учун кураш олиб борардилар. Улар мустақил давлат барпо этиш ниятида ўз ҳаётларини фидо қилишга тайёр ҳолда сийсий жанглар ичида эдилар.

Инқилобнинг дастлабки пайтларида бир қатор маҳаллий зиёлилар большевикларнинг миллий масала соҳасида эълон қилган шиорларига алданиб, уларнинг хизматига ўтдилар. Ҳа, большевикларнинг шиорлари гўзал ва умуминсоний эди. 1914 йилдаёқ Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи бел-гил-аши ҳуқуқи масаласини қўтариб чиққан, ҳатто фирка

конференцияларининг бирида у: «Биз бундай деб айтамиз: эй рус халқи, Финландияга

зўравонлик килма! Бошка халк-ларга зулм килувчи халкнинг ўзи озод бўлиши мумкин эмас». Бу гоё Ленин ҳокимият тепасига келгандан кейин қабул қилинган бир қатор ҳужжатларда ҳам аксини топди. Шунингдек, «Россия халклари ҳуқуқлари декларацияси»да халкларнинг ажралиб чиқиб, мустақил давлат тузишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқи тан олинди, ҳар қандай миллий, диний имтиёзлар ва чеклашлар бекор қилинди. Бу гоё «Россия ва Шарқнинг барча мусулмов меҳнаткашларига мурожаат»да ҳам ошқор этилди. Бу му-рожаатда: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг мил-лий ва маданий муассасаларингиз бундан бўён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳазур туза берингиз. Шундай қилиш-га ҳақлисиз»,—деб қайд қилинган эди. Аммо бу китоблар-нинг барчаси қозғаларда қолиб қетди. Бундай умумбаша-рий гоёларнинг эълон қилиниши инқилобнинг дастлабки босқичида Ленин бошлиқ коммунистик фирка ҳокимиятни ҳали тўла қўлга ола билмагани, у бошка фиркалар билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлгани ва халқ оммасининг энг аввало зиёлиларни ўз томонига ағдариб олишга уриниши билан изоҳланади, ҳолос.

Қўп вақт ўтмай Туркистон зиёлилари бу гоёлар аслида шиордан бошка нарса эмаслигини, амалда бутунлай бошка-ча ишлар бўлаётганини тўла англаб етдилар. Зўрлик билан эгалланган Туркистондаги большевик ҳокимиятида маҳаллий халқ вакилларининг жалб этилмагани, маҳаллий аҳолини очикдан-очик онгсизликда, нодонлик ва сиёсий саводсизликда айблаб таҳқирлаш, большевиклар ўлкада ўзаро урушни авж олдирганлари туфайли дехқончилик тўхтаб қолгани, очлик бошлангани, Россиядан баъзан келиб тура-диган галла ва бошка озиқ-овқат маҳсулотларини факат овруполикларга тақсимлаш, маҳаллий халқнинг миллий онгини ўстиришга хизмат қиладиган нашрларни таъқиқлаш, маҳаллий халқларни бир-бирига гиж-гижлаши—большевик-лар сиёсати мана шулардан иборат эди.

Большевикларга алданганлардан бири Т. Рискулов Туркистон компартиясининг III ўлка съездида сўзлаган нутқида изтиробини яширмасдан очик айтган эди: «Партиядош ўртоқларимиз бутун мусулмон пролетариатидан шубҳаланадилар... Бундан ташқари уларни қамаб қўямиз деб дўк қилмоқдалар. Мусулмонларнинг бор-йўқларини тортиб олмоқдалар, тортиб олибгина қолмай, ўлдирмоқдалар ҳам қишлоқларда аҳоли дахшатга тушиб қочиб кетяпти. Ва ўғрилар (аслида миллий — озодлик ҳаракати қатнашчилари) қўпайиб боряпти. Лекин қимдир партиямас, қизил қўшин зўравонлик қиляпти деб эътироз билдириши мумкин. Аммо партия раҳнамо. Барча ҳокимият ташкилотларига партиявий ўртоқлар раҳбарлик қилишяпти, лекин улар аҳволни яхшилаш учун ҳеч қандай чора қўрмайптилар. Уларнинг ҳомийлиги остида ҳамма жойда ичкиликбозлик ва номаъқул ишлар авж оляпти, бинобарии, партия мана шулар учун айбдор, албатта... Мусулмонларни қийнамоқдалар, уларни ҳатто отиб ташламоқдалар».

Т. Рискулов нутқи давомида бундан ҳам дахшатли манзарани қизди: «Ўртоқлар, биз қамбағал мусулмонлар Николай замонида ваҳший хайвон аҳволида қандай яшаган бўлсак, ҳозир пролетар ҳуқуқатимиз даврида ҳам ҳудди шундай, ҳатто ундан баттар аҳволдамиз, гарчи мана шундай аҳволда Совет ҳокимиятига қаршилиқ қилмай, имқони борича унга ёрдам бераётган бўлсак-да, шундай аҳволдамиз. Биз зулматда оч-яланғоч яшаб, итдек қафасиз ўлиб кетаётганимизга қим айбдор? Аммо мен айбдорни тўғридан-тўғри қўрсатиб беролмайман, мен бундай дейман: коммунистлар программаси жуда мақбул ва тўғри программа, бизнинг ҳокимият вакиллари нима сабабдан унга амал қилмайдилар, буни мен билмайман, чамаси улар билмаганларидан ёки жўрттага қўзни

чирт юмиб шундай киладилар, устига-устак улар программага карши ҳаракат кияптилар. Чунки улар капиталистларга карши курашамиз, дейдилар, шу бахона билан боримизни тортиб олиб, ўз ҳамёнларини каппайтира бошладилар. Нахотки ҳокимият программаси шундай бўлса? Бундай эмас, албатта. Мен зараркунанда бойлар хақида гапираётганим йўк, аммо мисол учун, бир камбагал пролетарнинг битта оти ва араваси бор эди, юк ташиб оиласини бокарди. Кизил аскарлардан биттаси келиб, ҳеч қандай ҳақ тўламасдан отини тортиб олади, бунинг касофатига унинг оиласи оч-ялангоч қолади. Нахотки, шу ҳам программага мувофиқ бўлса? Бойларни шилиш бахонасида шаҳардаги 84000 аҳолининг ҳаммасини шилишган. Шу тўғрими, ахир? Намангандан келтирилган молнинг ҳаммаси, ҳатто қулфгача мусодара қилинган: нахотки, шунча мол ёниб кетган ва бошиданок сотила бошлаганмиди?

Баъзи кишиларни курулинг бор, деб айблаб хибсга олганлар. Курулни топа олмаганларидан кейин ва маълумот йўқлиги сабабли озод қилганлар, 5—10 минг жарима солганлар. Бу пул қаякка кетган, советларнинг ҳазинасигами ёки қиссагами. Агарда қиссага қирган бўлса, сизнингча бу тўғрими?

Ҳокимиятни ишончли ҳокимият деб биламан, аммо мана шу ҳокимият ҳокимлари бўлмиш ўртоқлар аслида нима қилдилар. Улар фақат ўзларининг ўрисларини ажратиб олиб ҳимоя қилдилар, яхши едириб-ичирдилар, яхши қийинтирдилар, ўз уйларини бегоналарнинг тортиб олинган шойи мато ва бошқа қимматбаҳо буюмлари билан безадилар, аммо мусулмонларга нима қаромат кўрсатдилар? Едириб ичирдиларми? Йўк! Қийинтирдиларми? Йўк! Агар қийинтирганларида, камбагаллар ялангоёқ юрмасди, агар едириб-ичирганларида минг-минглаб очлар ўлмасди. Бизникиларнинг нимаси қолди? Йиртиқ-ямоқ кўрпа-тўшагидан бошқа ҳеч қачон қолмади.

Бизнинг қизил қўшин қисмлари тинч аҳолига жабр қилмоқдалар».

Бундай манфур сиёсат норозилик уйғотмаслиги мумкин эмас эди. Зеро, бу чор Россияси амалдорлари юргизган сиёсатдан фарқ қилмас, ҳатто зулм қилишда ундан ўтказарди. Халқ чор империяси зулмини унутмаган эди. Бор-йўғи бир йилча аввал Россия ҳукумати мардикорликка олинишига қарши қўтарилган халқ исёнини бостириш бахонасида Туркистон халқларини қиргин қилиш — геноцид билан шугуллангани ёдида эди. Қўзғолонни бостириш оқибатлари муҳокама этилган Россия давлат думаси мажлисида А. Керенский (кейинчалик вақтли ҳукуматнинг бошлиғи қилиб сайланган) геноцид бўлганини ошқора тан олиб, шундай деган эди: «Бошдан-оёқ қуролланган пиёдалар, тўпчилар ва отликлардан иборат жазо отряди ўз йўлда учраган ҳар бир аҳоли манзиллини таг-туби билан йўқотиш, аҳолини бир бошдан, на жинси ва на ёшига қарамасдан ўлдириш билан шугулланган: эмизикли болалар, қолу кампирлар беаёв қилинган ўтказилган. Тоққа қочган, асосан хотин-халаж ва мурғак болалардан иборат аҳоли совуқ ва очликдан ҳалок бўлганлар».

Қарайиб 6 ой давом этган 1916 йил қўзғолонида 673 минг киши ўлдирилган, 163 минг киши Сибирга сургун қилинган, 300 мингдан зиёд аҳоли Шарқий Туркистонга қочиб жон саклашга мажбур бўлган эди. Бир миллиондан зиёд бу аҳолининг қолу қўли қўзғолонни бостиришда қатнашган рус аскарлари ва дехқонларига тарқатилган.

Бу қалтиом сиёсатдан большевиклар юргизган сиёсат деярли фарқ қилмас эди.

Туркистон халқларининг миллий истиклолга бўлган интилишлари чексиз ва юксак эди. Шу интилиш оқибатида 1917 йилнинг сентябрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонлари қурултойида Туркистон мухтор жумҳуриятини барпо этиш режаси тугилди.

1917 йилнинг 22 ноябрда комиссар Полтарацкий Самаркандда Мустафо Чўкай билан олиб борган сўзлашувларида унга советларнинг Тошкентдаги халк комиссарлари шўроси раислигини қабул қилишни таклиф этди. Мустафо Чўкай таклифни қатъиян рад этди. 1917 йилнинг 9 декабрида Кўкондаги хон саройида 203 туркистонлик вакил қатнашган Туркистон ўлкаси тўртинчи қурултойи очилди. 10 декабрда Россия федерацияси ичида Туркистон маҳаллий мухтор жумҳурияти тузишга қарор этилди. Қурултой мухтор жумҳуриятнинг ижроия қўмитаси — ҳукуматни тузди. Ҳукумат раислигига дастлаб Мухаммаджон Тинисбой ўғли, кейинчалик ташки ишлар вазирлигига тайинланган Мустафо Чўкай, мудоффа вазирлигига Убайдуллахўжа, ички ишлар вазирлигига Абдурахмон Ўроз ўғли, молия вазирлигига Шох Аҳмад ўғли, озик-овқат ишлари вазирлигига Обиджон Маҳмад ўғли, маориф вазирлигига Носирхон тўра, қурилиш вазирлигига Миродил, зироат вазирлигига Хидоят Ога ўғли сайландилар.

1917 йилнинг 10 декабрида Туркистон учун Кўкон мухтор жумҳурияти тузилгани ҳақидаги қарор қуйидаги жумлалардан иборат эди: «Тўртинчи Туркистон Ҳавқулодда ўлка қурултойи Русия инқилоби асосларига таяниб, Туркистон халқларининг истиғи на орзусини ифода этади, Туркистонни демократик, федератив Русия жумҳуриятининг маҳаллий мухторинтига эга бир қисми деб эълон этади. Мухторият шаклини белгиланб яқинда тўпланадиган Туркистон таъсис мажлисиини ихтиёрига топширилади. Қурултой Туркистондаги майда халқлар ҳуқуқининг ҳар томондан муҳофаза этилишини тантанали суратда эълон этади». Аммо Тошкентдаги биринчи ва иккинчи Сибирь ўқчи полклари қучига таянган рус большевиклари ва армани дашноқларидан иборат Туркистон халқ комиссарлари шўроси бу қонуний ҳукуматни тан олмади ва очикдан-очик унга қарши қураш бошлади.

1918 йилнинг 18 февралдан 19-чига ўтар кечаси комиссар Перфильев қўмондонлиги остидаги рус қизил қўшини Кўконга ҳужум бошлади. Уч қунлик тўхтовсиз тўпга тутиш оқибатида ёндирилган Кўкон мағлуб бўлди. Ўн мингдан ортиқ юртдошимиз истиклол йўлида қурбон бўлди. Шундан кейин Фарғонани бўйсундириш бошланди. Жанглар давомида 180 дан ортиқ қишлоқ ёндирилди, Марғилонда 7000, Андижонда 6000, Наманганда 2000, Бўзқўргон ва Кўкон-қишлоқда 4500 киши ўлдирилди. Чор Россияси даврида бошланган геноцид авжига чиқди. Халқ ўзини химоя қилиш учун қўлига қурол олишга мажбур бўлди. Тўхтовсиз қиргин-барот манзилига айланган водийда тинч меҳнат қилиш учун шароит қолмади. Большевикларнинг халқни тинч меҳнат қилиш, даласида ҳосил етиштириб, оиласини тебратиш имконидан маҳрум қилишдан муддаоси — халқни оч қолдириб бир бурда нон эвазига ўзига бўйсундириш эди. Ҳадемай, очлик авжига чиқди. Очликни ўйлаб топган ва амалга оширган большевиклар энди уни юзага чиқаришда ўзлари босмачи деб атаган, аслида миллий-озодлик ҳаракати қатнашчиларини айблаб бошладилар.

«Туркистондаги босмачилик ҳаракатининг ижтимоий асоси» мақоласининг муаллифи Скалов қуйидагиларни ёзади: «Кўкон мухториятининг қулаши, совет қўшинларининг ва армани дашноқларининг тинч аҳолига ўтказган жабр-зулми, шаҳарлар, темир йўллар, қорхоналар, дехқончилик қилинадиган ерларнинг вайрон ва талон-тарож қилинган дехқонларни қўлига қурол олишига сабаб бўлди». Ёки «Колониал инқилоб (Туркистон тажрибаси)» китобининг муаллифи Григорий Сафаровнинг фикрича, «босмачилик ҳаракати, бир тарафдан Кўкон мухториятининг қулагани, ўлкада ўрнатилган пролетар

диктатураси бошиданок колониал характерга эга бўлгани, иккинчи тарафдан, бу колониал сиёсат туфайли маҳаллий аҳолининг турмуши изидан чиқарилгани, деҳконларнинг ўзини химоя қилишдан бошқа йўл тополмагани сабабидан пайдо бўлган эди».

«Босмачилик» учун эмас, миллий истиклол учун кураш майдонига чиққанларнинг асосини деҳконлар ташкил қилганини деярли ҳамма тадқиқотчилар тан оладилар. Бу фидойи инсонлар бошавойлар томонидан қонга ботирилган водийни химоя қилиб чиқиш билан қарайб 16 йилдан ортиқ вақт давом этган миллий-озодлик ҳаракатини бошлаб бердилар. Бу кураш йўли — қучли қуролланган, асосини ашаддий жиноқтчилар ташкил этган қизил қўшинга қарши чиқиш оғир бўлди. Неча минг ватандошларимиз бу курашда қурбон бўлдилар. Биз Оллоҳдан эрк ва истиклол учун шаҳид бўлган юртдошларимизга раҳматлар тилаймиз!

Мана шундай шаҳид кетган, қўлига қурол ушлаб она юртини қелгинди босқинчилардан химоя қилган кўркмас инсонлардан бири Мухаммад Амин Аҳмадбек ўғли — Мадаминбек эди. Бу улуг инсонни совет тузуми маддоҳлари қанчалар қораламасинлар халқ унинг номини юрагида асраб яшади. Ўзоқ йиллик ёлгон таъсирида қолган пайтимизда ҳам, миллат хотирасини сақловчилар бўлмиш оқил инсонлар Мадаминбек қаби миллат фарзандлари шахсияти ва фаолияти қораланган қитобларнинг сатрлари орасидан ҳақиқатни топиб ўқиш санъатини эгалладилар. Бу санъат қитобларда битилган «хоин»ни «фидойи», «қароқчи»ни «юрт химоячи-си», «ақсиланкилобчи»ни «миллатпарвар» деб ўқишдан-гина иборат эмас эди, албатта. Бу миллат фарзандлари юрагидаги изтиробга шерик бўлиш, ҳатоларни англаш, улар хотирасини авайлаб сақлаш санъати ҳам эди. Оқин қора деб қилд-қилд қитоблар битилган бўлса-да, халқ хотираси ўз-қармади, у ўзининг кўркмас ўғлонлари хотирасига ҳиёнат қилмади.

Оқис қолалиқ қолқаримда ўқиганим қоис, аллақачоноқ муаллифининг қимлиги эсимдан қикиб қетган бир қитобдаа Мадаминбекнинг ўлдирилиши лавҳаси, нима учундир, хотирамда муҳрл-аниб қолган. Хар қал «Мадаминбек» исмини эшитишим билан ўша лавҳа қавдаланади. Аслида бу лавҳа онқимда аллақачонлар ўзқарган тарзда яшаётганлигини эса Алишер Ибодиновиинг қитобини ўқиганимдан кейин сез-дим. Қўз ўнқимда қавдаланадиган лавҳада мен Мадаминбекни «босмачи»лар томонидан қуршаб олинган ҳовлида қизил аскарлар билан ёнма-ён турганини, туриб жанг қилаётганини эмас, оппоқ отида ёмқирли ва қакмоқдор қечада қайқадир елиб қораётганини, қакмоқларнинг оқий шуура ёритқап қўзларида қуюқ бир дард товланиб турганини — қурашқи сиймосини қўраман.

Мадаминбек ҳақида ёзилган қитоблар қам ва улар асосан ёлгон-ёшиқдан иборат. Энг сўнғи ўқиган қитобим: қирғиз адиби Тўлеген Қосимбековнинг «Қулутлар ортида тоғ қор» рўмони ҳам шундай сохта қикди. Асар қирғиз оқини Тўктоғулға бағишланган бўлса-да, жуда қўп саҳифаларда Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Қолхўжа қўрбошилар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Муаллиф Мадаминбекни совет тарих илми нуқтаи назари асосида тасвирлаган. Шу сабабдан бўлса қерак, ёлгондан имқони қадар қўп қойдаланади. Қунонқи, у Мадаминбекни ўлдиришда машҳур туркқи Анвар Қошшонинг қўли қорлигини қўрсатади. Анвар Қошшо бир телба миллатқи тарзида тасвирланганиди. Қолбуқи, Мадаминбек, расмий ҳужжатларға қўра, 1920 йилнинг 14 май қуни ўлдирилган бўлса, Анвар Қошшо Туркистон ўлкасига, аниқроқи Бухороға 1921 йилнинг оқтябрида қелган эди. Миллий-озодлик йўлида фидо бўлган инсонларни душман тарзида

тасвирлаган киргиз адиби, канча кўп миллатпарварни кораласам, шунча яхши, деган ният билан калам сурганга ўхшайди. У Туркистон халклари озодлигининг кушандаси — кизил кўмондон Фрунзени рўмон қахрамони Тўктогулдан ҳам ошириб меҳр-муҳаббат билан тасвирлайди, юксак пардаларда мадҳ этади. Улуг бобокалонимиз хазраг Мир Алишер Навоий: «Хар кимки сўзи ёлгон, ёлғони зохир бўлғоч уёлгон» деб айтганларидек, Мадаминбек каби миллат ўғлонлари ҳақида ёлгонни ёзганлар уяладиган замонга етдик. Ёлгон айтиш қулнинг қисмати, озод одам қисмати ҳақиқатни айтишдир, дейди тианлик донишманд Апаллон.

Узоқ йиллар давомида босмачилик деб аталган миллий-озодлик ҳаракатини тарихий воқеалардан узган тарзда, ўша воқеалардан анча вақт ўтганидан фойдаланиб, фақат совет ҳокимияти манфаатларини кўзлаб, айрим шахсларни ўша давр катламларидан юлиб олиб ё кораладилар ёки уни ўзлари истаган тарзда тасвирладилар.

Фрунзени олқишлаб, Мадаминбекни эса коралаб, Куйбишев, Рудзутакларга мадҳиялар битиб, Ленин буюк инсоний фазилатлар эгаси бўлгани ҳақида ваъзхонлик қилган ҳолда улар бошлиқ ашаддий жиноятчилардан иборат босқинчилар томонидан ёндирилган, вайронага анлантирилган юзлаб кишлокларни, қилич билан чопилган аёллару болаларни тилга олмадилар, ёпиклик қозон ёпиклигича қилишини истадилар. Аммо ўтмиш, ўша даҳшатли ўтмиш юракларимизнинг ботиний катламларида, бир бутун ўлка бўлган Туркистонни бўлиб ташлаган ҳарита қизикларида яшириндир. У боболаримиз, момоларимиз йиглаб яратган кўшиқлар орқали янги авлодларга етиб келди.

Туркистон миллий-озодлик ҳаракатини ўрганиш, у ҳақда бор ҳақиқатни айтиш пайти етди. Шу пайтгача ёзилган тухматлардан фидойи ватандоғларимизни ҳалос этайлик. Бугунгача сизиниб келинаётган айрим шўрави даҳоларни миллий қаҳрамонларимиз дейишдан номус қилиб, 1916—1939 йиллар давомида, аниқроғи бутун асорат давомида истиклол йўлида ҳалок бўлган инсонлар руҳини шод этайлик. Мадаминбеклар, Бехбудийлар, Мунаввар қорилар, Қодирийлар, Фитратлар ва Чўлпонлар ҳақиқатини халқимизга етказайлик! Улар ҳақида очик-ойдин айтилмас экан, боболар кўшиғи орқали келган ўтмиш зулмати кўзларимиз нури билан ёритилмас экан, дилимизга, маънавиятимизга, истиклолимизга, келажагимизга бўлган тазйиқлар ортса, ортадики, ҳеч қачон қамаймайди.

Шу сабабдан кўлингизда ушлаб турган Алишер Ибодинов қаламига мансуб ҳужжатли қиссага ўхшаш асарлар ёзилишини, нашр этилишини олқишлаш керак. Шу билан бирга бундай асарлар яна ҳам тўлароқ ва теранроқ бўлшши, юракларимизни ҳаяжонга солиш қудратига эга йирик бадиий асарларга айланишини орзу қиламиз.

Алишер адабиётга озодлик мавзуси ёритилган «Қуёш ҳам олов» номи ажойиб ҳикояси билан қириб келган эди. Биз унга мана шу қутлуг мавзуга содиқ қилишни тилаймиз. Озодлик йўлида қурбон бўлган, аммо номи қабун бўлган ёки қораланган инсонлар ҳақида ҳақиқатни халққа қайтариш ҳам истиклол учун қураш эканини ҳеч қачон унутмайлик.

НОТИНЧ МАРГИЛОН

— Абдураззоқ зақўнчипи ўлдиришибди! Мадазим ўғри унинг қалласини қесиб ташлабди!

Маргилониинг илонизидек кингир-кийшик, тор кўчалари бўйлаб бир шум хабар яшин тезлигида таркалиб кетди.: Кўхна шаҳар бир калкиб тушди. Абдураззок закўнчи шаҳарнинг энг обрўли, илми кишиларидан, факир-фукароларнинг меҳрибони эди. Чор ҳукумати даврида Фарғонадаги рус судларида тилмоч бўлиб ишлаган бу зиёли инсон жуда кўп мусулмонларга яхшилик килган. Ўз миллатдошларини иложи борица мустамлакачилар зулмидан химоя этишга уринган эди. Айни Абдураззок закўнчининг сайъ-ҳаракатлари туфайли ҳам ўнлаб гуноҳсиз ўзбеклар Сибирь сургуни, турмалардан қутулиб қолган эдилар.

Октябрь тўнтаришига ва ҳатто 20-йиллар охирига қадар ҳам Туркистонда икки хил суд тизими мукрбил равишда фаолият кўрсатган. Шаҳарлар ва қишлоқларда минг йиллар давомида бўлганидек, шариат қозилари қозихоналарда ислом қонун-қоидаларига мувофиқ турли фуқаролик ишларини кўриб чиқиб, ҳукм чиқаришарди. Минг йил муқаддам айни шу Маргилонда ўсиб-ўлғайган буюқ фикх олими Бурхониддин Маргилонийнинг шариат қоидалари қитоби «Хидоя» уларга қўлланма эди. Айни пайтда Россия империяси қонунлари асосида иш кўрадиган судлар ҳам мавжуд эди. Рус судьялари қабил шариат қозиларини ҳам чор ҳукумати маъмурлари тайинлашарди. Қизиги шундаки, шариат қозилари ҳам ҳукм ўқиш пайтида рус қошқоси номидан иш кўраётганликларини таъқидлаш мақсадида... бўйниларига бут осиб олишарди! Лекин қатта миқдордаги ўғрилиқ, қотиллик, давлатга қарши фаолият қабил жиддий жиноий ишларни одатда мустамлақа ҳукумати судлари кўрар эди. Ёшлигида узок муддат Россияда бўлган, ибтидоий юридик маълумотига эга эса-да, дунёқараши қенг, ҳам Оврупа ҳам Шарқ адабиётини чуқур ўрганган Абдураззок Сиддиқов чор судларида нақат тилмоч, балки маҳаллий халқнинг химоячиси сифатида ўзини тутарди. Закўнчи лақабини у қана шу туфайли ортирган эди. Мустамлақа маъмурларининг ўз беқларни одам ўрнида кўрмаслиги, тақаббури, қорасўр судияларнинг оддий инсон тақдирини қарик қақага олмаслиги Абдураззок Сиддиқов онгида аллақачон ўзгариш ясаган ва у ўз йўлини топиб олган эди. 1916 йил. Маргилон халқ мардиқори воқеалари туфайли мустамлақа тузумига қарши қўлида қурол билан майдонга қикди. Озодлик учун дақил бош қўтариб қикқан марду-майдонлар ўққа учдилар ёки турмаларга қамалдилар. Қўплар отилиб қетди. Абдураззок закўнчи ўз халқи тарафида эди. Исён бостирилқач, то 1917 йил февраль инқилобига қадар ҳукуматдан яшириниб юришга мажбури бўлди. Февраль инқилобидан сўнг Сиддиқов қизғини сиёсий фаолият майдонига шўнғиб қетди. У Маргилонда тузилган «Уламо» қамиятининг фаол ташқилотчиларидан бири бўлди. Қамиятнинг бош шiori Туркистонни ярим асрдан бери давом этаётган мустамлақа зулмидан қутқариш, халққа сиёсий ва иқтисодий мустақилликлар бериш эди. Абдураззок Сиддиқов октябрь тўнтариши қонлари Петроградда бўлиб, советларнинг II съездида иштирок этаётган эди. Большевикларнинг қимлигини яқини анқлаган мусулмон инқилобчиси зудлик билан Туркистонга қайтди. Қўқон мухториятини ташқил этишда фаол қатнашди.

Туркистон Халқ Қомиссарлари қенгаши мустақил Туркистон давлати — Қўқон мухториятини ўзининг ашаддий душмани деб билди. Зеро, бу ҳукумат мустамлақа илдизларига болта уриш учун тугилган эди. Сиёсий йўллар билан мухториятчиларни ўз йўлларидан қайтаришга қўзи етмаган большевиклар қон тўқишга ўтдилар. 1918 йил 14 февраль қуни Туркистон Халқ Қомиссарлари қенгаши Фарғона вилоятида харбий ҳолат эълон қилди. Темир йўллар эса қамал қолати шароитларида ишлаяжагини билдирди. Ташқи оламдан ҳеч қандай мадад ололмаган биринчи Туркистон мустақил ҳукумати

кулади. Дашноклар ва кизил аскарлар кўшни конга ботирдилар.

Абдураззок закўнчи мухториятни саклаб қолиш учун халкни кўлига қурол олишга даъват этаётган пайтда ўлдирилди. Маргилоннинг товуқ бозоридаги катта мачит саҳинда бўлган йигилшида нутқ сўзлаётган Сиддиқовни ёлланган қотиллар алдаб, ташқарига чақиришади ва мачит таҳоратхонасида бошини танасидан жудо этишади. Мақтулни фақага солиб, Чангалчи маҳалласидаги хонадонига келтиришади. Рафикаси, кизлари фарёд кўтариб, ўзларини оталаи жасади устига ташлашади.

— Қотиллар отамнинг қалласини ўзиб олишган экан. Қаллани белбоғ билан яна бўйнига тангиб боғлаб қўйишибди, — дея хотирлайди Саодат ая Раззоқова. — Шумхабарни эшитиб, эс-хушимизни йўқотган эдик. Арава ҳовлимизга яқинлашган пайтда паранжисиз, уйдан дод солиб чиқдик. Бўйим етган пайтлар. Ўша даврда Мадаминбек милициясининг бошлиғи бўлиб ишларди. Отамнинг жасадини уйга олиб келганларга бошчилик қилаётган экан. Шу ерда мени кўриб қолибди...

Мадаминбек қотилларни топиб, жазолашга марҳумнинг устида ваъда беради. Кўп ўтмай қотиллар қўлга туширилиб, одил суд ҳукмига топширилди.

Мадаминбек... Туркистон миллий озодлик ҳаракатида ўзига ҳос ўрин тутган бу жасур ва оқил инсон қисмати тўғрисидаги ҳақиқат узок йиллар темир парда ортида тутиб келинди. Унга доир архив материалларининг аксарияти махсус фондларда сақланар, бу фондларга эса ҳар ким ҳам қўйилавермасди. Туркистонда фуқаролар уруши тарихини ўрганган олимлар эса Мадаминбек шахси ҳусусида асосан бир ёқлама, қандайдир олдиндан қатъий белгилаб қўйилган ҳудуд доирасидагина фикр юритардилар. Яъни чор ҳукумати даврида қароқчилиғи натижасида Сибирга сургун қилинган. Кейинчалик Маргилон милициясининг бошлиғи бўлди. 1918. йил ёзида босмачиларга қўшилган. Икки йиллик қонли жанглардан сўнг шўро ҳукуматига қарши қурашнинг бефойдалигини тушуниб етди ва Қизил армияга таслим бўлди. Қофирларга қўшилгани учун ўз собиқ сафдошлари Қўршармат ва Холхўжа томонидан қатл этилган. А. Зевелевнинг фуқаролар тарихига оид илмий қўлбўларидан тортиб, М. Поликовскийнинг бек ҳақидаги хотираларига қараганда Мадаминбек сиймоси айнан шу схемага мослаштирилган. Туркистон фуқаролари уруши даври ёртилган барча бадиий асарлар ва ҳатто Мадаминбек образи Ҳамза Умаров талқинида бир мунча ҳақиқатга яқинроқ яратилган «Фавқулудда комиссар» бадини фильмида ҳам шу схема.

Бирок асл Мадаминбек шундайми? У қанақам ватанпарвар, жасур саркардами ёки гоҳ Қолчак, гоҳ Фрунзе билан апок-чапок бўлган қўрқоқ, сотқин эдими? Саволлар, саволлар...

1920 йил, 7 март. Скобелев шахри. 2-Туркистон ўқчи дивизияси штабида кечагина бир-бирига ўқ отган ҳарбийлар ярашиш битимини имзолаш тантанасидан сўнг суратга тушишди. Тарих бу суратни биз учун асраб қолди. Фарғонадаги 2-Туркистон ўқчи дивизияси қўмондони, Н. Веревкин-Рохальский, комиссар Слепченко, дивизия штаби офицери Буйлин ва бошқа қизил қомандирлар билан ўзбек қўрбошилари, шунингдек А. Ненсберг, капитан Половцев, штабс-капитан Никольский сингари сафдошлари даврасида ўтирган Мадаминбек сиймоси ана шу суратга абадий муҳрланган... Инглизча «ҳаким» рангидаги фрэнч қийиб, елкага тортиб боғланган қарм тасмага қарҳал қили қилич осиб олган, бошига Маргилон дўпписини қийган Мадаминбек аллақандай ўйчан қиёфада ўтирибди. Унинг ақлли қўзлари тубида билинар-билинемас мунг ҳам зоҳир. Аммо ўзини тутиши қадил, мағрур. Бамисоли рақиб устига сарқашга қўланган шер ҳолати

барк уради бу киёфада. Кенг пешона, яхшилаб тарашланган калта сокол-мўйлови эса суратдаги шахснинг зиёлинамо киши бўлганидан далолат беради.

Бу сурат ботир жангчи, омилкор саркарда, айна пайтда шоиртаъб, Куръонни ёд биладиган чин мусулмон бир зот — миллат, Ватан учун азиз жонини тиккан буюк ўғлон хакида энг тўғри тасаввур уйғотади. Мадаминбеккадимий турк саркардаларига хос гўзал фазилат — ботиний шоирлик ва асл жангчиликни ўзида мужассамлаштирган шахс эди. Унинг шеър ёзган, ёзмаганлиги номаълум. Аммо шеърятнинг чанкок мухлиси бўлгани аён. У чўрткесар ва айна пайтда сер-мулохаза эди. Мадаминбек руслар билан кўп муносабатда бўлар, улар орасидан дўст-ёрлар орттирган, айна пайтда беш вақт намозни канда килмас, кўп вақтини Куръон тилovati билан ўтказар эди. Унинг калби гўзал аёл зотига нисбатан мухаббатга тўла, айна пайтда у бошқа кўрбошилар сингари 5—10 тадан хотин олмас, хотинбозликка рўжу кўйганларни эса аёвсиз жазоларди. У хаётни севар, айна пайтда ўлимдан кўркмас эди. Сафдошлари, уни кўрган-билган кишилар хотирасида Мухаммад Аминбек Ахмадбек ўгли мана шундай хислатлар эгаси бўлган чин ўзбек фарзанди сифатида колган.

Маргилонда Мадаминбекнинг авлод-аждодларини «бек уруг» деб юритишарди. Бу бежиз эмас. Асли хозирги Тошлок районининг Садда кишлок Шўроси худудида жойлашган Сўкчилик кишлогида 1892 йили таваллуд топган Мадаминбек эл-юртга таникли йигит эди. Мадаминбек беклик унвонини кўрбоши бўлганидан сўнг олган эмас. Сўкчилик кишлогидаги кексалар ва Мадаминбекнинг турмуш ўртоғи Саодатхон аянинг хотирлашича, у насл-насаби жихатидан ҳам бек бўлган. Руслар Фаргонани босиб олганларидан сўнг Мадаминбекнинг аждодлари ўз мавкеларини йўкотадилар. Унинг отаси Ахмадбек кошик, чўмич ва бошқа рўзгор буюмлари ишлаб чиқарадиган кичик устахонанинг эгаси эди. Оз-моз савдогарчилик билан ҳам шугулланар эди.

Мадаминбекнинг бир акаси ва икки опаси бўлган. Болалигидан зехни ўткир, зийрак Мадаминбек ўқимишли эди. Эски мактабда савод чиқарган, Маргилон шахридаги Хўжа Мухаммад Порсо махалласида, домла Мирхайдар кўлида таълим олган.

Фаргона шахридаги Окарик кўчаси 47-уйда яшовчи нафакахўр Абдулфатто Хожихопов шундай эслайди:

— Рахматлик отам Хожихон Махсум Шокир хожи домла ўгли Мадаминбек билан мактабдош, сабоқдош дўст бўлганлар. Отам Найзакайрагоч кишлогида таваллуд топган бўлиб, бу Сўкчиликка якин. Домла Мирхайдар Маргилондаги илгор усулда дарс берадиган билимдон муаллим сифатида донги кетган одам бўлган эди. Илмга чанкок, ўзига тўк кишилар болаларини айна шу мактабга берганлар. Отамнинг эслашларича, Мадаминбекнинг зехни ўткир бўлган.

Бир ўқиган нарсасини ёд олган. У ўша йиллариёк Куръонни ёд олиб, кори бўлган экан. Дадам Бухорога — Мир араб мадрасасига кетган. Мадаминбек ҳам унга кўндилиб бормокчи бўлган, лекин кандайдир сабабларга кўра боролмай колган.

Кейинчалик Хожихон Махсум Андижон вилотининг Пойтук кишлогидаги катта жоме мачитига имом бўлиб юрган кезлари Мадаминбек уни топиб ўз ёнига олган.

Ахмадбекнинг ўгли Маргилон шахридаги бозорда кўб юра бошлади. У шу ердаги савдо дўконларида хар хил ишларни бажарарди. Фалсафа фанлари номзоди, доцент Иброхим Каримов «Шарк юлдузи» журналининг 1992 йил 7-сонига эълон килган «Армонда колган Мадаминбек» сарлавхали маколasiда Мадаминбекнинг сафдошларидан бири Ахрорхўжа Максудхўжаев хотираларига асосланиб, ёш Мухаммад Аминнинг Маргилон

бозорида турли юмушларни бажариб юрганлигини ёзади. Бозор жумла жахоннинг кичрайтирилган шаклидир. Бу ерда донони ҳам, нодонни ҳам, ярим танга учун одам ўлдиришдан тоймайдиган ўгри-ю» тасодифан оёк остидан топган бир сўм эгасини ахтариб бозорни бошига кўтараётган комил мусулмонни ҳам, етимларни бокиш дардида не захматда тикиб чиккан дўпписини кимтинибгина бозорга солган бевани-ю, исловатдан кўчага сайр килгани чиккан «сойбўйи» кизларини ҳам учратиш мумкин (ўша йиллари Скобелев шахри марказидан окиб ўтадиган Маргилонсой атрофларида катор исловотхоналар-жойлашган эди. Бу ерда мусулмон ва Европалик фохишалар сакланарди. Баъзан гулдор извошларда шахар сайлига чиккан ана шу аёлларни «Сойбўйи кизлари дейишарди»). Бозор одамни кўп нарсага ўргатади. Мадаминбек бу ерда кўпгина улфатлар орттирди. Скобелевга тез-тез катнаб, рус дўкандорлари билан савдо алокалари олиб борди. Тез орада русча гапирадиган ва ёзадиган даражага етишди. Хозиргача илмий ва бадий адабиётларда у рус тилини камокда юрган пайтда ўрганган деган фикр мавжуд. Лекин гувоҳларнинг шохидлигига караганда у камалганга қадар русчани яхши билган. В. Алдан-Семёновнинг «Осиё узра бўрон» романида) Мадаминбекнинг Фрунзе билан суҳбати келтирилади. Шунда Мадаминбек француз файласуфларидан бирининг доно фикрини французча баён этиб, Фрунзени лол қолдиради. Бу гапда жон борга ўхшайди. Мадаминбек сафдошларининг укаси бўлмиш маргилонлик нафакахўр Давлат Султоновнинг фикрича, у Нерчинск шахрида каторгада юрган пайтда французлар билан бирга бўлган. Хар холда у француз революцияси, Карл Маркс таълимоти хақида бирмунча тасаввурга эга бўлган. 1919 йил 11 мартда Мадаминбекнинг Фаргона фронтининг кўмондони М. Сафоновга ёзган хатида худди мана шу билим сезилиб турарди.

1914 йили полиция Маргилон шахрида кўзга кўринган йигитлардан бири бўлиб қолган Мадаминбекни камокка олади. Ва суд уни узок муддатли камок жазосига ҳукм қилади. Упинг камалиши хусусида бир-бирига зид, чалкаш фикрлар бор. Лекин уларнинг бирортаси ҳам хужжатларга асосланмаган. Кўпинча у ўз хотинини ўлдиргани учун қамалган дейишади. Бирок, Саодатхон аянинг гувоҳлик беришича, бундай эмас. Тўгри, қамалгунга қадар бек бир марта уйланган. Кейинчалик, Мадаминбекни Нерчинскдаги камокхонага олиб келишгач, Бек ўша ёқда туриб хотинини талок қилади ва у аёл бошқа турмуш қуриб кетади. Мадаминбек Тошлокнинг ўша пайтдаги йирик амалдорларидан бири Гуломбек мингбоши билан каттик олишиб қолганлиги учун қамалган. Бу низонинг сабабларини ҳозирча аниқлай олмадик. Аммо ёш Мадаминбек кўпчилик ўртасида Гуломбек мингбошини каттик қалтаклагани маълум. Суд эса Мадаминбекнинг ўзи тан олмаган айбларини ҳам унга тиркаб, 14 йил қаторга ишларига ҳукм қилиб юборади. И. Каримов бу воқеани сал бошқачарок талкин этади. Унинг ёзишича, Мадаминбек боғаболалик (Бешбола ҳозирги Фаргона шахри маҳаллаларидан бири) Отабой гиштчи деган бадавлат шахс билан гап талашади. Унга қасдлашиб қолган Отабой гиштчи Мадаминбеклар хонадонига бир милтикни яширтириб қўяди. Сўнгра суд Мадаминбекни бозор растасидаги Умар хез деган савдогарнинг дўконидан буюм ўғирлади, қонунсиз милтик саклади, дея Сибирь қамогига ҳукм қилади. Хар холда хар икки воқеа ҳам Мадаминбекни ўша даврнинг катталари билан тўқнашиб қолгани, оқибатда тухмат балосига учраб, ноҳақ қамалганлигидан далолат беради.

Мадаминбекнинг рафикаси Саодатхон аянинг эслашича, Мадаминбек Нерчинскда қаторгада юрган пайтлари чеккан азоб-укубатлари, камок маъмурларининг шафқатсизликлари хақида гапиришни ёқтирмасди. Аммо баъзан бирон сабаб билан ўша

даврни эслаб колса, «Махбус бўлсанг ҳам ўз юртинг зиндонида ётгин. Ўзга юртда махбус бўлсанг, сени икки томонлама — ҳам турма маъмурлари, ҳам ерли махбуслар азоблашади»,—дерди. Нерчинскда у сиёсий махбуслар даврасига тушиб қолади. Жаҳон сиёсатининг ҳозирги аҳоли, улуг давлатлар орасида кетаётган биринчи жаҳон урушининг моҳияти, халкларнинг миллий ўзлигини англаш ва миллий мустақиллик учун кураш олиб боришлари хусусида шу ерда у айниқса кўп маълумот олган.

Гуломбек мингбоши билан олишув Мадаминбекнинг халк орасидаги обрў-эътиборини кўтарган бўлса керак. Зеро, 1917 йил февраль инқилобидан кейин сиёсий махбус сифатида бандиликдан озод қилиниб, она юртига қайтган Мадаминни халк катта шоду хуррамлик билан кутиб олган. Дўст-биродарлари бу ақлли, замонани яхши биладиган, жасур йигит атрофига тўплана бошлайдилар. Аммо бу гуруҳ баъзилар таърифлаганидек, карокчилар тўдаси эмасди.

Йил охирларида Россияда ҳокимият большевиклар қўлига ўтиб, мамлакатда мисли кўрилмаган такчиллик, бош-бошдоклик авжига чиқиб кетган бир пайтда Маргилонда ҳам ўғри-карокчилар жуда кўпайиб кетди. Жазоланишда хавфсирамай қўйган ўғрилар бутунлай ҳаддидан ошдилар. Оддий одамларнинг уйига боскин қилиб, молу жонини талаб кетиш одат тусига кирди. Кечалари одамлар ухламай чиқардилар. Шаҳарнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагидан дод-вой, аянчли қийқириклар эшитилар, бу эса қайсидир шўринг кургурнинг хонадонига ўғри бостириб кирганлигидан далолат берарди. Марказдаги ҳокимият талашиб, бир-бири билан жикка мушт бўлаётган большевик, эсер ва сўл эсерлар оддий халк, айниқса, мусулмонларни химоя қилишдан йироқда эдилар. Ана шундай шароитда Маргилонни ўғри-карокчи-лардан, қотиллардан қим химоя қилади, деган савол аҳолини ўйлантирди. Шунда шаҳардаги «Уламо» жамияти раҳбарияти Мадаминбекни милиция бошлиғи лавозимига тавсия этди. Агар ҳақиқатан ҳам Мадаминбек каззоб-қотил ва ўғри бўлганида эди, Маргилоннинг энг таникли зиёлилари, уламолари ва бадавлат кишиларини ўзида жамлаган «Уламо» жамияти унинг номзодини қўлламас эди. Абдураззок Сиддиқов ҳам Мадаминбек номзодини маъқуллаган.

Шаҳар ва вилоят ҳукуматида ҳам бу номзод маъқул тушди. Уша пайтда Фарғона вилоят ҳарбий комиссари бўлиб ишлаётган К. Осипов Мадаминбек билан суҳбатдан сўнг уни милиция бошлиғи этиб тайинлаш ҳақидаги буйруққа қўл қўяди ҳамда тегишли қурол-яроқ билан таъминлайди. Кейинчалик Туркистон ҳарбий комиссари бўлиб олган Осипов 1919 йил январида Тошкентда большевиклар ҳукуматида қарши қўтарилган исёнга бошчилик қилган. Маълумки, 14 Туркистон комиссарлари шу исён пайтида ҳалок бўлишган эди. Осипов исёнида Мадаминбекнинг ҳам роли бўлган. Афсуски, бу масала тарихий адабиётда яхши ёритилмаган. Холбуки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия архивида сақланган Мадаминбекнинг Туркистон қўшинлари бош қўмондони сўл эсер Г. Колузаевга йўллаган мактубида Осипов билан Мадаминбек орасида исён масаласида ўзаро қелишув бўлганлиги ҳақида маълумот бор (ЎзКП МК партия архиви ф. 60. ОП. 1 Д262,4-варак). Исён бостирилгандан сўнг Ленинга юборилган телеграмма-да, «Фарғонадаги исён билан Тошкентдаги аксилинқилобий ҳаракат ўртасида алоқа борлиги аниқланди», деб айтилган эди.

Умуман Осипов ва Мадаминбек муносабатларининг ўзи жиддий ўрганишга сазовор ҳодиса. Мадаминбекни дастлаб қуроллантирган, у билан доимий алоқада бўлиб турган Осипов Тошкентда исён бостирилгач, тўппа-тўғри Мадаминбек ҳузурига шошади. Анчагача у билан ёнма-ён юради. Жанг операцияларини тайёрлаш ва ўтказишда

иштирок этади. Калтис дакикаларда хатто Мадаминбек хаётини саклаб қолиш учун шахсий жасорат ҳам кўрсатади. Бирок кейинча-лик Бухоро амири хузурига кетиб қолади. Унинг бу қилмиши Мадаминбекдан ҳафсаласи пир бўлганлиги натижаси эмасди. 1919 йилга келиб исёнкор Бек атрофида тўпланган бир қатор собиқ чор армияси генераллари кечаги «кизил комиссар»ни сиздирмай қўйгандилар. Улар турли йўллар билан Мадаминбек олдида Осиповни обрўсизлантириш, кам-ситиш ва хатто ҳақоратлаш йўлига ўтгандилар. Қўмондон эса собиқ хомийсини ҳимоя қилиш учун имкон тополмади. Зеро ўша пайтга келиб ўз атрофида тўпланган малакали, тажрибали рус офицерлари билан Осипов туфайли алоқани ўзиш Мадаминбекнинг олий мақсадларини рўёбга чиқариш-га тўсқинлик қиларди. Осиповнинг Бухорога кетиб қолишига бош сабаб ҳам шу бўлган чамаси.

Мадаминбек милиция бошлиғи сифатида Маргилонда осойишталик, тартиб-қоида саклашга жиддий ҳисса қўшади. 1918 йилнинг ёзига қадар Маргилонда оммавий тартибсизликлар, йирик талончи гуруҳларнинг бостириб кириши каби ҳодисалар бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Абдураззоқ закўнчининг ўлиmidан сўнг икки ярим ойлар ча-маси ўтгач, Мадаминбек унинг кизи Саодатхонга совчи юборади. Уша пайтда Саодатхоннинг тоғаси Собиржон Юсупов Маргилон шаҳар Кенгашининг раиси эди. У бу никоҳга ҳеч қандай қаршилиқ билдирмади. Чунки Мадаминбек 25—26 ёшлардаги, ҳар томонлама етук ва қобил йигит эди. 16 ёшли Саодат ҳам жуда гўзал ва ўқимишли қиз бўлиб вояга етган эди.

— Тўйимиз наврўздан сўнг бўлиб ўтди. Баҳор забтига олган, боғларда ўриқлар қийгос гуллаган кезлар эди. Хайхотдек ховлимизда отамиздан кейин эркак киши қолмаган. Мадаминбек эса иши туфайли доимо шаҳарда яшар эди. Шу боис у киши ховлимизга ичкўёв бўлиб қирдилар.

Қўхна Маргилон шаҳри билан Тошлоқ райони чегарасида жойлашган Чангалчи маҳалласидаги бу ховли ҳамон сакланиб қолган. Унда хатто Мадминбекнинг қўзи тушган қадимий чинор ҳам бор. Саодатхон ая ҳозир ҳам шу ховлида яшайдилар.

— Мадаминбек билан икки йилдан ортиқ турмуш қурган экансиз. У кишининг феъл-атвори, яшаш тарзини жуда яхши биласиз. У қандай одам эди?—дея сўраймиз аядан.

Ая 90 ларга бориб қолган эсада фикри тиник, ўша даврларни яхши хотирлайди.

— У ўрта бўйли, икки юзи қизил, қора қўз, жуда бақувват одам эди. Оилада ўзини яғуда бамаъни, босиқ тутарди. Жуда ҳудожўй, намозхон эди. Ҳар қандай шароитда ҳам беш вақт намозни қанда қилмасди. Вақт топилди дегунча қитоб ўқирди. Эсимда, қаерга бормасин ёнида албатта Фузулийнинг девонини олиб юрарди. Фузулий ўқишни жуда яхши қўрарди, раҳматли...

давоми бор...

(АЛИШЕР ИБОДИНОВ)